

## Халқаро анжуманда муфтий Усмонхон Алимов маъруза қилди



08:50 / 12.04.2019 1744

Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтаётган “**Маънавий ипак йўли: Ислom ва ёшлар: замонавий таҳдидлар**” номли анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов маъруза қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Муфтий ўз маърузасида мусулмон умматининг келажаги ёшлар тарбиясига боғлиқ экани, таълим-тарбияга катта аҳамият қаратган миллатнинг эртаси фаровон бўлиши, лекин ҳозир ёшлар орасида жиноятчилик кенг тарқалаётгани, ахлоқий тубанлашиш ортиб бораётгани ва ёшларнинг одоб-ахлоқ меъёрларидан узоқлашиши оқибатида жуда хатарли иллатлар келиб чиқаётганини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, муфтий Ислom ҳамжамияти олдида турган энг катта ва долзарб вазифалардан бири ёш авлодга ҳар томонлама диний ва дунёвий билимлар бериш, шу билан бир қаторда соф Ислom ахлоқи билан тарбиялаш муҳимлигини баён қилиб ўтди.

Нур-Султон шаҳридаги анжуман давом этмоқда.